1

# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

# ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ, МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА АҲОЛИНИНГ МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ УЧУН»

2

Ўзбекистон Коммунистик партияси марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш қоидаларига асосланиб ва КПСС XXVIII съездида эълон қилинган дастурий мақсадларга биноан инсон манфаати, унинг бахт-саодати, маънавийлик ва инсонпарварлик қоидаларини қарор топтириш йўлида жамиятни социалистик негизларда янгилашни ўзининг бош вазифаси қилиб қўяди.

Ўзбекистон Компартияси ҳар бир кишининг ҳар томонлама ва уйғун камол топиши таъминланадиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларга эришишни ўз фаолиятининг юксак маъноси деб билади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилиб, ўзининг таклифи бўйича давлат ҳокимияти органлари қабул қилган жумҳуриятни ривожлантириш дастурлари учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олади. Шу билан бир вақтда у ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижрочи-бошқарувчи ҳокимиятнинг фаолиятини, улар қабул этган ва одамларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор бўлган сиёсий ҳамда бошқа қарорларни танқидий баҳолаб, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини, ижтимоий адолатни, маънавий янгиланишни, Ўзбекистон ССЖдаги барча миллат ва элатлар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилгандир.

### Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий мустақиллиги учун

Ўзбекистон Компартияси жумҳурият Олий Кенгашининг Декларациясига асосланиб, Ўзбекистон ССЖнинг ҳақиқий сиёсий мустақиллигини таъминлаш учун курашади. У ҳисоблайдики, жумҳурият халқчил қоидаларга ва халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этишига таяниб, ўзининг миллий-давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлиниши масалаларини мустақил ҳал қилиши керак.

Коммунистик партия жумҳуриятнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигининг моддий асосини таъминлайдиган ер, ер остидаги қазилмалар, табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий имкониятлар, меҳнат натижалари жумҳуриятнинг мулки бўлиши керак, деган фикрда қатъий туради.

Коммунистик партия мана шу энг муҳим қоидаларни амалга оширишга, жумҳуриятнинг ҳудудий бирлигини ва чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган тегишли ҳужжатлар Олий Кенгашда қонун тарзида кўриб чиқилиб қабул этилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилайдиган халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида иш кўрмоғи керак. Хорижий давлатлар билан муносабат ўрнатиши, улар билан шартномалар тузиши, ўзаро дипломатия ва консуллик ваколатхоналарини айирбошлаши лозим. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, жумҳуриятда ишлаб чиқариладиган маҳсулот нормаларини белгилаш, унга лицензия бериш, қўшма корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, шартномалар тузиш ва эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтириш масалаларини мустақил ҳал қиладиган бўлиши керак. Жумҳурият БМТга ҳамда унинг ихтисослаштирилган муассасаларига, бошқа халқаро ташкилотларга вакиллар юбориш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Компартияси мустақил жумҳуриятнинг сиёсий ташкилоти сифатида социалистик ва демократик йўналишидаги чет эл партиялари ва жамоат ҳаракатлари билан мустақил алоқа боғлайди. У чет эллардаги ватандошлар билан инсонпарварлик алоқалари ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, уларга жумҳуриятнинг маданий ҳаётида, ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишда қатнашиш ҳуқуқи берилиши учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси жумҳуриятлараро алоқаларни кенгайтириш, бошқа мустақил давлатлар билан шартномалар тузиш учун интилади ва иқтисодий, ижтимоий, экологик масалалар ҳамда бошқа масалаларни ҳал этиш чоғида бу муносабатлар тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида қурилиши учун сабот билан ҳаракат қилаверади. У — мустақил давлатларнинг янги Иттифоқ шартномаси тарафдоридир. Ҳар бир кишининг, барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз давлатининг тақдирини ўзи белгилашда, шу жумладан Иттифоққа кириш ва ундан чиқиш масалаларида уларнинг хоҳиш-иродасини ихтиёрий ифодалаши мазкур шартноманинг асосий илк қоидалари бўлиши лозим.

Компартия ҳисоблайдики, жумҳурият ҳудудида ихтиёрий равишда Иттифоқ-жумҳурият ва жумҳурият тасаруфига берилган масалалардан ташқари барча масалалар хусусида жумҳуриятнинг қонунлари устун бўлиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқига Ўзбекистон ССЖ таркибида ихтиёрий равишда кирган Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги, уни суверен Қорақалпоғистон жумҳуриятига айлантириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди ва у ўз ҳудудида ихтиёрий равишда ССЖ Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ тасарруфига топширилган масалалардан ташқари барча масалаларда бутун тўлалигича давлат ҳокимиятига эга бўлишга эришиш учун ҳаракат қилади.

Ўзбекистон коммунистлари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этилишига амалий ишлар билан кўмаклашадилар, бу давлатда ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятига ажратиб қўйиш орқали демократия ва қонунийлик таъминланадиган бўлади. Президентлик идора усулини такомиллаштириш, ижроия ва бошқарув ҳокимиятини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган йўл изчил амалга оширилиши керак.

Коммунистик партия кўп партиялилик шароитида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ўрнини босишдан ва ҳукмронлик ваколатларидан воз кечади, халқ ҳокимиятининг таъсирчан органлари бўлмиш Советларнинг мавқеини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш учун курашади. Партия ташкилотлари барча даражалардаги халқ депутатлари Советлари билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар, уларнинг фаолиятига депутат қилиб сайланган ва сайлаб қўйилган органларда ишлайдиган коммунистлар орқали сиёсий таъсир ўтказадилар, қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар. Коммунистлар қўрғон, қишлоқ, овул Советларининг, маҳалла комитетларининг, истиқомат жойларидаги ўзини ўзи бошқарувчи бошқа бўғинларнинг самарали фаолиятига, агар уларнинг хатти-ҳаракатлари ижтимоий адолат ва жамиятни демократиялаш принципларига зид бўлмаган тақдирда ҳудуд-

3

ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашадилар.

Ҳозирги кунда социалистик қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда уларга қатъий риоя этилиши соҳасида совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хўжалик идоралари ва жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бирлаштириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Коммунистлар шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий курашадилар, ҳар бир фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилинишининг давлат кафолатларига эришиш учун миллати ва динидан қатъи назар, унинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш учун қатъият билан ҳаракат қиладилар. Бу ҳуқуқларга қилинадиган ҳар қандай тажовузлар қатъият билан даф қилиниши, уларнинг ташкилотчилари ва қатнашчилари эса қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши керак.

Компартия ССЖИ Қуролли Кучларида тезроқ ислоҳот ўтказилиши тарафдоридир, бу ислоҳот профессионал армияни вужудга келтиришдан ва муқобил хизматни жорий этишдан, ҳарбий хизматга жумҳурият ҳукумати билан тузиладиган шартномалар асосида чақирув ўтказишдан иборат бўлиши керак. Коммунистлар ҳарбий бўлинмаларда интизом ва тартиб ҳар томонлама мустаҳкамланишига, армияга иснод келтирувчи уставга зид ўзаро муносабатлар таг-томири билан тугатилишига бундан буён ҳам ҳаракат қилаверадилар. Улар Совет Армияси сафларига чақирилганларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқларини, миллий ва шахсий қадр-қимматини муҳофаза қилиш масалаларида Қуролли Кучлар командирларининг масъулиятини ошириш учун қатъият билан ҳаракат қиладилар.

### Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида

Компартия шунга аминдирки, ҳар бир алоҳида оила, қишлоқ, район, шаҳар турмушида равнақ ва хотиржамлик таъминланган тақдирдагина жумҳуриятнинг равнақи ва хотиржамлигига эришиш мумкин.

Аввало, жумҳурият ҳудудида яшовчи одамларнинг манфаатлари йўлида унинг табиий бойликларидан, вужудга келтирилган имкониятлардан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдаланишда тўла мустақилликни таъминлаш ўртага қўйилган мақсадга эришишнинг энг муҳим шарти бўлмоғи лозим.

Яроқсиз маъмурий-буйруқбозлик системасини ва маҳкамачилик зўравонлигини, шунингдек, марказнинг жумҳурият манфаатларини писанд қилмайдиган сиёсатини барча поғоналарда қатъиян қоралаш ва бартараф этиш жуда муҳим аҳамият касб этади. «Мамлакатнинг пахта мустақиллигини қўлга киритиш» сиёсати жумҳуриятга мажбуран қабул қилдирилганлиги, пахтачиликнинг якка ҳокимлиги, шунинг натижасида иқтисодиёт ҳаддан ташқари бир ёқлама бузилиб ривожланганлиги, у асосан хом ашё масканига айлантириб қўйилганлиги, табиий ва экология муҳитига жуда катта зиён етказганлиги, жумҳурият аҳолисининг миллий даромади ва турмуш даражаси пастлиги ҳамда шундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатлар юқорида баён этилган сиёсатнинг аниқ-равшан кўринишларидан биридир.

Жумҳуриятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ва иқтисодиётини ривожлантиришда вужудга келган номутаносибликлар ҳеч кечиктирмай ҳал этилиши зарур. Бунинг учун шарт-шароитлар бор.

Бир томондан хилма-хил ва бой табиий, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалик имкониятлари мавжуд, шу имкониятлар замонавий самарали ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришнинг манбаи, миллий даромад олиш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини ва фаровонлигини ўстириш учун асос бўлиши мумкин ва лозим.

Иккинчи томондан, меҳнат ресурслари кўпайиб бормоқда, халқнинг бениҳоя меҳнатсеварлиги ва меҳнат қобилияти, сабр-тоқати, жон-дилидан ўқиб-ўрганиш истаги каби ҳавас қилса арзийдиган тарихий ва миллий анъаналар уларга мерос бўлиб қолган.

Олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг энг муҳим ва таркибий қисмлари бўлмиш мана шу фазилатларни бир бутун қилиб бирлаштириш, бу йўлдаги барча мавжуд тўсиқларни қатъият билан бартараф қилиш — коммунистларнинг, жамият барча соғлом кучларининг бош вазифасидир.

Албатта, кадрларнинг малакасини ошириш, илғор ишлаб чиқаришни ва технологияни ўзлаштириб олган, замонавий фикрлайдиган кадрларни, биринчи галда маҳаллий аҳоли орасидан вояга етказиш устида сабот билан ишламоқ, уларни рағбатлантириш ва унумли меҳнатга қизиқтириш учун ҳамма шарт-шароитни яратмоқ лозим. Кўп мақсадларни кўзда тутувчи мана шу стратегик вазифани рўёбга чиқариш учун жамики мавжуд ресурслар ишга солиниши, мамлакатнинг ва чет элларнинг энг яхши марказлари имкониятларидан фойдаланилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси коммунистларни ва барча меҳнаткашларни жумҳурият Олий Кенгаши қабул этган Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини босқичма-босқич амалга оширишга сафарбар этишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва нуфусий ривожланиши хусусиятларини эътиборга олиш — ўтиш даврининг энг муҳим шартидир. Бунда жумҳуриятда яшовчи одамлар кўпчилигининг анъанавий ҳаёт тарзи ва шахсий турмушининг энг муҳим қонун-қоидалари, уларнинг азалий ва юксак маънавий-ахлоқий негизлари муҳим аҳамият касб этади.

Жумҳуриятнинг илк ҳолатини, аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини ва ижтимоий-маиший иншоотларнинг, истеъмол моллари ва хизматларнинг етарлилигини, турли ижтимоий табақалар турмуш даражасини эътиборга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтишни тўғри амалга ошириб бўлмайди.

Компартия ташқи иқтисодий фаолиятнинг мустақиллигини жумҳуриятнинг жаҳон бозоридаги мавқеини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, чет эл сармоялари ва илғор технологияларини жалб қилиш мақсадида зарур шарт-шароитни яратиш учун ҳаракат қилади. Жумҳурият хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқа боғлаши, фан-техника, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини, қўшма корхоналар ташкил этиш, шартномалар тузиш ва эркин иқтисодий зоналар барпо этиш масалаларини ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли асосда ҳал қилиши лозим. Биз — шу мақсадда эркин пул ресурсларини жамлаб ишга сола оладиган, манфаатдор хорижий мамлакатларнинг сармоясини жалб этишни рағбатлантира оладиган ўз банк системамизни вужудга келтириш тарафдоримиз.

4

Ўзбекистон коммунистлари шунга аминдирларки, бозор муносабатларини шакллантириш вазмин ёндашувни, жумҳуриятнинг табиий нуфус, ижтимоий-иқтисодий ва миллий хусусиятларини ғоят тўла-тўкис ҳисобга олишни талаб қилади. Бу соҳада ҳаддан ташқари сусткашликка ҳам, ҳар бир босқичнинг хусусиятлари ва амалий имкониятларини эътиборга олмай туриб бозор муносабатларини жорий этишда тезлаб кетишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Сармоя сарфлаш сиёсатини амалга оширишда, аввало, миллий даромад ҳажмини кескин оширишни, иқтисодиётни ривожлантиришдаги комплексликни, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан жуда тўла-тўкис банд бўлишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга устунлик берилиши зарур. Илғор техника ва технология билан жиҳозланган, юксак даражада тайёр маҳсулотни ва аввало, халққа керакли молларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналардаги серунум меҳнатгина ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга хизмат қилувчи кўмакчи тармоқларни муваффақиятли ривожлантириш, халқ фаровонлиги ўсишини таъминлаш учун асос яратиб беради.

Компартия қуйидагиларни бу соҳадаги энг биринчи вазифалар жумласига киритиш зарур деб ҳисоблайди:

— ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш, қишлоқ манзилгоҳларининг, қўрғонларнинг, кичик ва ўртача шаҳарларнинг индустриал иқтисодий имкониятларини жадаллик билан кўпайтириш;

— фан-техника тараққиёти ютуқларини тезроқ жорий этиш, илм-фан ютуқларидан кўпроқ фойдаланадиган ишлаб чиқаришларни ўзлаштиришга ва халқ хўжалигини компьютерлашга ўтиш;

— аҳолининг иш билан ғоят тўла-тўкис ва самарали таъминланиши, касб ўргатиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

— пул муомаласини ва истеъмол бозорини нормаллаштириш, аҳолини ва ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларни асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан, энг зарур моллар, дори-дармонлар билан кафолатли равишда таъминлаш;

— ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга моддий ҳамда молиявий ресурсларни биринчи галда ажратиб бериш.

Ушбу вазифаларни бажаришда ортиқча меҳнат ресурслари бўлган районларга имкони борича яқинлаштириб қурилган ва асосан халқ истеъмоли моллари, деҳқонлар ва якка ёрдамчи хўжаликлар учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотларга айлантиришга мўлжалланган замонавий технологияси бўлган ихчам, тез ўзгартириш мумкин бўлган корхоналарни барпо этиш бош йўл бўлиши керак. Хорижий шериклар билан биргаликда корхоналар қуриш учун ҳамма жойда шарт-шароит яратиш зарур, бу эса илғор технологияни ўзлаштиришга, хўжаликни ташкил этиш ва бошқаришда жаҳон тажрибасини эгаллашга, миллий кадрларни тайёрлашга имкон беради. Асосан халқнинг бугунги ва истиқболдаги манфаатларига жавоб берадиган корхоналар қурилсин.

Партия ташкилотлари ҳокимият ва бошқарув идораларининг халқ ҳунармандчилиги ва бадиий ижодкорлигини, халқ усталари ва омилкорларининг буюмларида намоён бўлган ўзига хос маданиятни тиклашдаги ишини ўз ихтиёрларидаги барча сиёсий воситалар билан қўллаб-қувватлайдилар.

Коммунистлар ҳозирги шароитларда жумҳурият иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг истиқболли йўли юксак меҳнат интизоми ва иқтисодий масъулиятга асосланган ана шу иқтисодиётнинг кўп укладлигидир, деб ҳисоблайдилар. Саноатнинг базавий тармоқларида, ҳаво ва темир йўл транспортида, алоқада, бош коммуникацияларда давлат мулкчилиги устун мавқени эгаллаши керак. Бошқа тармоқларда акционер мулкчилиги, кооператив, жамоа мулки, шахсий ва хусусий мулк давлат мулки қатори тенг шароитларда бўлиши лозим. Ўзбекистон Компартияси мулкни давлат ихтиёридан олиш йўлини қўллаб-қувватлаб, мазкур жараён меҳнат жамоалари аъзоларининг манфаатларини, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ўсишини ҳисобга олиб, иқтисодий мақсадга мувофиқлик қоидалари негизида амалга ошишини ҳимоя қилади.

Замонавий аграр сиёсат масалалари Ўзбекистон Компартияси учун марказий масалалардир. Бу ўринда энг асосий вазифа — барча маҳсулот етиштирувчилар меҳнатини рағбатлантиришдан, уларнинг меҳнат пировард натижаларидан манфаатдорлигини оширишдан, ҳам жамоа хўжаликлари, ҳам оилавий ва шахсий хўжаликларнинг мустақиллиги ва моддий базасини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Биз аграр секторга сармоя сарфлашни кўпайтиришга эришишни, етиштирилган маҳсулотга иқтисодий жиҳатдан эркин, асосланган харид нархлари белгилашни, қишлоқ хўжалиги жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни, илғор агротехника усулларини жорий этишни, ернинг унумдорлигини оширишни ва унинг ирригация-мелиорация ҳолатини яхшилашни зарур деб ҳисоблаймиз.

Ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини, шунингдек, хўжаликни кўпчилик, жамоа бўлиб юритиш тарихан таркиб топганини ҳисобга олиб, коммунистлар ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Кооператив жамоа хўжалигининг келажаги бор, бундай хўжаликларда ижара, пудрат, деҳқон хўжалиги сингари меҳнатни ташкил этишнинг шакллари устун даражада ривожланади.

Компартия ер ва сув ресурсларидан авайлаб-асраб, самарали фойдаланиш зарур деган собит фикрдадир. Айни вақтда Ўрта Осиё минтақаси учун қўшимча сув ресурслари тўғрисида Иттифоқ давлат органларининг қарорлари қабул қилинишига эришиш учун ҳаракат қилаверади. Коммунистлар пахта яккаҳокимлигини рад этиб, деҳқон қайси экинни ва қачон экиш лозимлигини ўзи танлаб олиши учун имконият яратиб бериш тарафдоридирлар. Маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олиниб, энг кўп даромад берадиган ва қишлоқ аҳлининг жуда банд бўлишини таъминлайдиган экинлар далалардан биринчи галда ўрин олиши керак. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва йиғиштириб олишни механизациялаш муаммолари янги иқтисодий асосда ҳал этилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавот тармоғи, қайта ишлаш саноати моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, жумҳурият аҳолисини тўла таъминлаш билан бир қаторда Иттифоқ ва жаҳон бозорларида маҳсулот сотишни кўпайтириш мақсадида омборхоналар ва фирма дўконлари шохобчаларини барпо этишга эришиш зарур. Чорвачилик шахсий ва жамоат секторининг озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур.

---

ССЖИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

## ОЛИМПИА КОМИТЕТИНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ССЖИ Қонунини бажариш мақсадида Иттифоқ ҳукуматининг қарорига биноан ССЖИ Олимпиа комитети ССЖИ Давлат спорт комитети қарамоғидан чиқарилди. Бу мазкур ташкилот фаолиятининг ижтимоий руҳига ва олимпиа хартиясининг қоидаларига мос бўлиб тушади.

ССЖИ Олимпиа комитетига, жумладан унинг мақсад ҳамда вазифаларига мос келадиган ташқи иқтисодий фаолиятни бевосита амалга ошириш, халқаро спорт алоқаларини ривожлантириш йўлида маблағларидан фойдаланадиган валюта жамғармасини ташкил этиш, спортчиларни олимпиа ўйинларига тайёрлаш ва унинг низомида назарда тутилган бошқа мақсадларни рўёбга чиқариш ҳуқуқи берилади.

## Файласуфларнинг Бутуниттифоқ конференцияси

Тошкентда «Ҳозирги замонда инсон муаммолари» мавзусида Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Москва, Олмаота, Волгоград, мамлакатимизнинг кўплаб бошқа шаҳарларидан келган файласуф олимлар ва социологлар иштирок этишди. Конференция ССЖИ файласуфлар жамияти ва унинг Ўзбекистон бўлими, В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунуни, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи, шунингдек Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг ташаббуси билан ўтказилди.

Ялпи ва алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларда марксча-ленинча фалсафанинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Конференцияда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга олимларнинг куч-ғайратларини сафарбар қилиш зарурлиги таъкидланди. Нотиқлар давр файласуфлар, социологлар, сиёсатшунослар тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини оширишни тақозо этаётганини ҳам таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

## ҚУРИЛМА ИШГА ТУШИРИЛДИ

ҚАРШИ, 24 декабрь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун Муборак газни қайта ишлаш заводида корхонадаги энг кучли — ҳавони зарарли чиқиндилардан тозалайдиган қурилма фойдаланишга топширилди. У ҳар йили Ўзбекистон жанубидаги конлардан бу ерга келаётган 2,5 миллиард кубометр газни аралашмалардан тозалаб беради.

Афсуски, бу воқеа бир йил илгари рўй бериши керак эди, «Муборакгазпромстрой» трестининг жамоаси ускуналар бир маромда етказиб берилмаганлиги сабабли кўпинча беиш қолиб кетди.

Қурилма 20 йилдан бери ишлатиб келинган ва муддати тугаган дастлабки блокларнинг ўрнини эгаллади. У бу ердан Ўрта Осиё ва Россия Федерацияси халқ хўжалиги объектларига юборилаётган табиий газнинг сифатини яхшилайди.

